



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2005 йил 5 октябрь, чоршанба

№ 80 (11.779)

## Ўзбекистон – Малайзия: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жорий йилнинг 2-4 октябрь кунлари давлат ташрифи билан Малайзияда бўлди.

Бугунги Малайзия – мафтункор ўлка дунё ажойиботлари ва гузаллигини кашф этишга баста болган ёш саргузаштпарастни ҳам, тақрибли сайёҳни ҳам бефарқ қолдирмайди. Каерга қарамағ, дид билан ўстирилган пальмазорлару беадор орхидеязорлар ва «Selamat datang» деган лутфга дуч келасиз. «Уш келибсиз» деган мазмундаги бу ибора меҳмоннинг кунлини хушлаш учун шунчаки айтадиган мулозамат эмас, балки миллий анъана, шарқона меҳмоннавозлик белгиси эканлигини мамлакатга қариб борганингиз сари чуқурроқ хис этасиз. Умуманда сингари озодлик, хуш муомала, покиза инсонийлик.

Малайзия бир маҳаллар нефть-газ, пальма ёғи ва қалайи захираларига бойлиги билан машҳур эди. Аникроғи, хомашё ўлкаси эди. Бугун у юксак суръатлар билан тараққий этиб бораётган, ривожланган давлатларга ҳар жиҳатдан тенг келиб қолган мамлакат десак, ҳато бўлмайди.

У дунёдаги энг илгор технологияларни, таъбир жоиз бўлса, худлик билан ўзлаштириб олган, компьютер билан алоқдор соҳаларда фаолият кўрсатадиган фирма ва компаниялар энг кўп жойлашган мамлакатлардандир.

Айни пайтда ушбу мамлакат Жануби-шарқий Осиёдаги энг нуфузли ташкилот бўлими АСЕАНга раислик қилмоқда. Аввало, шун ташкиллаш ўринлики, АСЕАНни таъсис этишда Малайзия асосий ташаббускор бўлган. Демак, ушбу давлат билан ҳамкорлик орқали Ўзбекистон жаҳоннинг катта бир

минтақаси мамлакатлари билан муносабатлари ривожлантиришга йўл очди.

Малайзия айни вақтда Ислам конференцияси ташкилотига (ИКТ) ҳам раислик қилмоқда. Бу эса мамлакатнинг нафақат ушбу ташкилот аъзолари орасида, қолаверса, бутун мусулмон дунёсида обрў-эътибори юқори эканлигидан далолатдир. Яъни, Ўзбекистон Малайзия билан ҳамкорлик воситаси орқали ИКТ аъзолари билан ҳам муносабатлари фаллаштириш имкониятига эга. Диний экстремизм, динни ниқоб қилган халқаро террорчилик таҳдиди тобора ошадиган ҳозирги вақтда эса бу гоят муҳим аҳамиятга молик масалалар.

Иқтисодий жиҳатдан қараганда ҳам Малайзия билан ҳамкорлик ҳар томонлама манфаатлидир. Юқори технологияларни ўзлаштириш борасида, Ўзбекистон маҳсулотларини Жануби-шарқий Осиё бозорларига олиб чиқиш ва бу минтақадан сарможа жалб қилишда Малайзия билан алоқаларни кенгайтириш мақсадага мувофиқ. Юқорида зикр этилган сиёсий омилларнинг ўзи бу фикрга аҳимият асос бўлиши мумкин.

Икки томонлама муносабатларга доир сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий масалалар, шунингдек, халқаро аҳимиятга молик муаммоларга ёндашувларнинг яқин ё ўхшашлигини назарда тутган ҳолда, Ўзбекистон доим халқаро майдонда ушбу давлатни қўллаб-қувватлаб келади. Мисол учун, мамлакатимиз БМТ ҳузуридаги тузилмаларга аъзо-

лик борасида кўп мартаба Малайзиянинг номзодини ёқлаган: 1997 йили – ЭКО-СОГА, 1998 йили Хавфсизлик кенгашининг ноидоимий аъзоллигига, 1997, 2001 ва 2005 йиллари Югославия бўйича халқаро трибуналга, 2003 йили Руанда бўйича халқаро трибуналга, 2004 йили хотин-қизларни камситишнинг барча шакллари билан бартаф этиш бўйича кўмитага.

Малайзия ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш мақсадаги фикрича, Ўзбекистон билан ҳамкорлик унга Марказий Осиё ва МДХ мамлакатлари бозорларига йўлни кенгайтириш имконини беради. Ташриф чоғида Малайзия раҳбарияти ва ишбилармон доиралари Ўзбекистон Президентининг Марказий Осиё бўлими бозорини ташкил этиш борасидаги ташаббусига катта қизиқиш билан қарши маълум бўлди.

Куала-Лумпурда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Малайзия Кирули Туанку Саййид Сирожуддин Жамаллулай билан мулоқотда кенг қамровли масалалар юзасидан фикр алмашди. Мамлакат Бош вазир Абдулла Бадавий билан тор доирада ва кенгайтирилган тартибда ўтказилган музокарада эса барча соҳаларда ўзаро ҳамкорликни ҳамда халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасидаги муносабатлари ривожлантиришга оид масалалар муҳокама этилиб, тегишли амалий чора-тадбирлар белгилаб олинди. Аввало, алоқаларнинг ҳуқуқий пойдевори янада мустаҳкамланди. Президент Ислам Каримов ва Абдулла Бадавийнинг қўша баёноти қабул қилинди. Унда ҳамкорликнинг таъминлиги ва истиқболлари баён этилиб, муносабатлари ривожлантириш борасида то-

монларнинг яқдиллиги, қатор халқаро ва минтақавий масалаларга қаршилик ҳамоҳанглиги таъкидланди. Шу билан бирга, Ўзбекистон ва Малайзия ҳукуматлари ўртасида Ҳаво транспорти катнови тўғрисидаги битим, шунингдек, Саудо бўйича қўша кўмита, сайёҳлик ҳамда минерал ресурсларни ўзлаштириш соҳаларида, хавфсизлигини таъминлаш ва террорчиликка қарши курашда ҳамкорликка оид алоқалар меморандумлари, алоқа ва ахборотлаштириш технологиялари соҳасидаги ахдлашув протоколи имзоланди.

Сафар асносида Президент Ислам Каримов Малайзия парламентида бўлиб, Сенат Раиси Абдул Ҳамид Паванте ва Вакиллар палатаси Спикери Рамли Бин Нга Талиб билан учрашди. Мулоқотда мамлакатларимиз ўртасидаги парламентларо алоқаларни ривожлантириш, ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асосини янада тақомиллаштириш масалалари юзасидан фикр алмашди.

Ташки ишлар вазирини Ҳамид Албар билан мулоқот эса икки томонлама сиёсий ҳамкорлик, АСЕАН, Ислам конференцияси ташкилоти каби тузилмалар доирасидаги кўп томонлама алоқалар билан боғлиқ масалалар муҳокамасига бағишланди.

Ислам Каримов, шунингдек, Малайзиянинг собиқ Бош вазир Махатир Муҳаммад билан учрашди. Катта сиёсий нуфузга эга таниқли сиёсат ва жамоат арбоби Махатир Муҳаммад Ўзбекистон – Малайзия муносабатларига оид масалаларни яқин кўриди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон раҳбарининг ташрифи Малайзия томони катта тайёргарлик кўрди. Саудо бўйича қўша кўмита ташкилот

лари ўтказиш билан боғлиқ кўлаб тадбирлардир. «Петронас»нинг салоҳияти ҳақида Куала-Лумпур марказида қад ростилаб турган мўжиза ҳам яқин тасаввур беради. Айни шу ном билан аталувчи «Эгиз» минора нафақат Малайзия пойтахти, балки бутун мамлакатнинг рамзи ва фахрига айланган. 1998 йилда бунёд этилган бу қўшминорнинг баландлиги салкам 452 метрга тенг. Улардаги идоралар, дўконлар, кўрғазма ва конференция заллари, галереялар, ошхонау кўнгил очар масканларнинг жами майдони 214 минг квадрат метрга етади. Бу 48 футбол майдони демакдир. «Петронас» корпорацияси асосий пудратчи сифатида унинг қурилишига 800 миллион АҚШ доллари сарфлаган.

Президент Ислам Каримовнинг ташрифи Малайзия раҳбарияти Ўзбекистон билан ўзаро муносабатларни юксак даражада қадрлашини яна бир бор намойиш қилди. Кирул Туанку Саййид Сирожуддин Жамаллулай давлатимиз раҳбарини Парламент майдонида расмий кутуб олган бўлса, расмий хайрлашув маросими учун Ислам Каримовни ўзининг «Истана Негара» саройига тақиф этди.

Шу тариқа Ўзбекистон Жануби-шарқий Осиё минтақасидаги етакчи давлатлардан бири билан ҳамкорликни ривожлантириш учун янги имкониятлар очди, алоқалар пойдеворини янада мустаҳкамлади. Ўзбекистон билан Малайзия сиёсий ҳамкорлик, халқларимизни эса диний ва маданий қадриятлари бир-бирига яқинлаштириб туради. Иқтисодий ҳамкорлик учун кенг имкониятлар майдонини мавжуд. Айниқса, нефть-газ, юқори технологиялар, энгил санаят, саудо ва сарможа соҳаларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Президент Ислам Каримовнинг Малайзияга давлат ташрифи ана шу бой ва мустаҳкам асосга эга ўзаро муносабатларни янги босқичга кўтариши шубҳасиздир.

Анвар БОБОВЕВ, ЎЗА МАХСУС МУХБИРИ, Тошкент – Куала-Лумпур – Тошкент.

## ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТАШРИФИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Корея Республикаси Миллий ассамблеяси (парламенти) Спикери Ким Вон Ки раҳбарлигидаги делегация 4 октябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери Э.Халилов билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги парламентларо муносабатларнинг ҳозирги аҳоли, шунингдек, ўзаро сиёсий, саудо-иқтисодий ҳамда маданий алоқаларга доир масалалар муҳокама этилди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда изчил ривожланиб келаётгани алоҳида таъкидланди. Бунда икки давлат раҳбарларининг ўзаро ташрифлари чоғида эришилган келишувлар ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳозирга қадар Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида қирқдан зиёд ҳужжат имзоланган. Юртимизда жанубий корейлик ишбилармонлар иштирокида юздан ортиқ қўша корхона фаолият юритмоқда.

Икки мамлакат парламентининг ўзаро муносабатлари 1993 йилдан буён самарали

давом этиб келяпти. Олий Мажлиста шу пайтга қадар Жанубий Кореянинг ўндан зиёд ҳукумат ва парламент делегацияси ташриф буюрган.

Шу йилнинг февраль ойида Корея Республикаси Миллий ассамблеясида Ўзбекистон билан алоқаларни янада кенгайтириш мақсадида дўстлик гуруҳи тузилди. Сентябрь ойида эса шундай гуруҳ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида ҳам ташкил этилди. Бу гуруҳлар нафақат парламентларо алоқалар, балки бошқа соҳалардаги ҳамкорлик кўламини ҳам кенгайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Жанубий Корея Миллий ассамблеяси Спикери Ким Вон Ки раҳбарлигидаги делегация Олий Мажлис Сенати раисининг ўринбосари Ф. Муҳиддинова билан ҳам музокара ўтказди.

ЎЗА.

## МАКТАБ ЖИҲОЗЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

Пойтахтимиздаги «Ўзқўрғазмасавдо» павильонида умумий ўрта таълим мактабларини меъба ва бошқа ўқув жиҳозлари билан таъминлашга қаратилган «Таълим – 2005» кўрғазмаси очилди. У Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилди.

Кўрғазма халқ таълими тизимида бу борада эришилган ютуқлар, педагогика соҳасидаги янги услуб ва технологиялар амалиётда қандай татбиқ этилаётганидан мутахассислар ва кенг жамоатчиликни таништириш, ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш имконини беради. Бу ерда юртимиз корхоналари билан бирга Германия, Россия каби давлатларнинг мактаб жиҳозлари ишлаб чиқарувчи компаниялари маҳсулотларига ҳам кенг ўрин берилган.

Кўрғазмада мамлакатимизнинг «Олмаликмеъба» масъулияти чекланган жамияти, «Қанот Invest» фирмаси, Самарқанддаги «Эл-хольдинг» корхонаси ва бошқа кўлаб корхоналарда ишлаб чиқарилган мактаб жиҳозлари, меъбеллари, спорт анжомлари билан танишиш мумкин.

Шу билан бирга кўрғазмада ўқувчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва соғлигини сақлаш, ўқув-тарбия жараёнини оид ахборот ва услубий қўлланмалар, ўқув адабиётлари ва илмий нашрлар ҳам педагоглар, ота-оналар эътиборига ҳавола этилган.

Кўрғазма 7 октябргача давом этади. Назоқат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

## Пахта – 2005

Вилоятимиз пахтакорлари кейинги йилларда пахтанинг эрта пишиб етилишини таъминлашга ҳаракат қилмоқдалар. Шунинг самараси ўлароқ бу йил пахта терими ҳар қачонгидан ҳам анча эрта бошланди. Натيجида ўтган йили шу кунгача йиллик режа 50 фоизга бажарилган бўлса, бу йил шартномадаги 275 минг тонна хом ашёнинг 186665 тоннаси, яъни 67,88 фоизи тайёрлаб бўлинди.

Кунлик суръат юқори бўлаётганлигининг асосий омилларидан бири қўл теримига иложи борича кўпроқ одам жалб этишга ҳаракат қилинаётганлигидир. Ҳозир кунига 230 мингдан зиёд киши теримда иштирок этмоқда. Энг муҳими, қўл терими иштирокчиларининг кунлик иш унумини назорат ва таҳлил қилиб бориш қатъий йўлга қўйилгани ўз самарасини берапти. Масалан, Бекобод туманида ҳар бир теримчига ўртача 55 килограмдан, Чиноз туманида эса 52 килограмдан тўғри келмоқда.

Айни кунларда машина терими ҳам қизғин борапти. Кунига пахтазорларга 160 дан зиёд терим агрегатлари олиб чиқилмоқда. Жумладан, Куйичирчиқ туманида ҳар кун 40 дан зиёд машина унумли ишлатилмоқда. Шу боис туманда ҳамон кунига режанинг 4 фоизидан ошириб пахта тайёрланмоқда.

Терим мавсуми эрта бошлангани боис қўшма қўшма шартнома мажбуриятларини сентябрь ойидаёқ бажариб қўйдилар. Октябрнинг бошларида улар сафига яна ўнлаб ҳўжаликлар қўшилди. Жумладан, Уртачирчиқ туманидаги «Корасув», Янгийўл туманидаги «Ниёзбош», Куйичирчиқ туманидаги «Гулистон», Бўқа туманидаги Азаматов номи, Куйичирчиқ туманидаги «Дўстлик», «Ўжакент» ширкат ҳўжаликлари режага қўшимча пахта топширмоқдалар.



## ҲўЖАЛИК ИШ КҮНИДА

режани удалаган Юқоричирчиқ туманидаги «Гулистон» ширкат ҳўжалиги деҳқонлари бу йил ҳам ўз анъаналарига содиқ қолдилар

Бир неча йиллардан бери пилла, галла ва пахта тайёрлаш бўйича давлат режасини туманда биринчи, вилоятда пешқадамлардан бўлиб адо этиб келаётган ҳўжалик ва унинг омилкор деҳқонлари маҳоратига таъриф бериб ўтириш ортиқча. Муҳими, бу йил ҳам ишонч оқланди, қабул пунктларига 2535 тоннадан ортиқ хом ашё топширилди. Қувонарлиси, даладан йигиб олинган ҳосилнинг ҳаммасига «биринчи нав» тамгаси урилди.

Эътироф жоиз, ҳеч қандай муваффақият осмондан тушмайди. Шоир айтмоқчи, «Ғоибдан келажак бахт бир афсона». Бу борада гулистонлик деҳқонларга ҳам осон туб бўлмайди. Пудратчилар гектаридан 30 центнердан ошириб ҳосил қуришадиган экан, демак, бунинг замири-

да бетиним, омилкорона меҳнат, бой тажриба, улкан ташаббускорлик ва ушқоқлик турганлиги тайин. — 926 гектар ерда пахта етиштирдик, — дейди бош ҳосилот Оқилбек Умаров, — 92 нафар оилавий пудратчиларимизнинг даярли ҳаммаси кўзлаган мақсадларига яраша ҳосилдорликка эришмоқдалар. Ғўза парвариллаш агротехникаси, техник таъминот ва, энг асосийси, меҳнатнинг ҳаммасига «биринчи нав» раётгани ютуқларимизнинг бош омил эканлиги шубҳасиз.

Дарвоқе, ҳўжалик айни вақтда уруғлик пахта етиштиришга ихтисослашиб бормоқда. Чунотки, бу йилги давлат буюртмасини ташкил этувчи хирмоннинг 60 фоизи уруғлик ҳосилдир. Табиийки, ҳўжалик



СУРАТЛАРДА: ҳўжалик ҳосилоти Маъмур Тоғилов оилавий пудратчилар Ҳўжам ва Шарифа Ҳолиқулвалар билан қолган ҳосил салмоғини чамаламоқдалар; теримчи Шахло Шерматова иш унумидан мамнун. Даврон АХМАД олган сурталар.

нинг тармоқдан қўраётган даромади ҳам ошиб борапти. Қўзланаётган соф фойда икки юз миллион, ялли даромад эса миллилард сўмдан ошиши кутилмоқда.

Ҳўжаликнинг Беғали Бойбусинов, Имомали Жамолов, Шарифа Ҳамидова каби катта-катта майдонларда ҳосил етиштирган бош пудратчилари билан суҳбатлашганимизда, улар ҳали чанокларда ҳосил мўллагини, уни ҳам тезда саранжомлаб, умумий хирмонни янада юксалтира-жақларини айтишди. Хисоб-китобларга кўра, ҳўжалик даладаридан яна 400 тоннадан ортиқ хом ашё йиғиштириб олиш имкони бор.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.



## Муносабат

## ЮРТ ТИНЧЛИГИ — ЭЛ БОЙЛИГИ

Шу кунларда иш юзасидан қайси бир қишлоққа бормаиллик, қайси бир меҳнат жамоасида одамлар билан мулоқотда бўлмайлик, Андижон воқеаларини содир этишда жиноятга кўл турган ватанфурушлар устидан давом этаётган суд жараёни ҳақида фикрлашмига тўғри келмоқда.

Бу бежиз эмас, албатта. Ахир, Андижонда содир этилган террорчилик ҳаракатлари инсон ҳуқуқини топтаб, қанчадан-қанча ҳамюртларимизнинг умрини ҳазон қилди! Яна ўша жоҳил ва ватангадололарнинг ғарблик химоачилари топилиб қолганлигини, улар Андижон воқеаларини хаспўшлаб, бу одамларнинг тинч чиқиши эди, деб таърифлашларини айтмайсизми?!

Лекин одамларимиз билан ўтаётган мулоқотлар шунчи кўрсатмоқдаки, жамоатчилик асосий ҳолларда Андижон воқеаларининг илдизлари, моҳияти ва оқибатларини чуқур идрок этиб, уларга ўзининг тўғри муносабатини изҳор қилмоқда. Одамлар ҳуқуқимизни раҳбарияти ўша муҳидиш жараёнларнинг олдини олиш, уни бошлаб берган жиноятчиларни мамлакатимизнинг қонунларига би-

ноан суд қилиб, жазолаш борасидаги сай-ҳаракатларини фаол қўллаб-қувватламоқда. Партиямизнинг жойлардаги ташкилотлари ҳам ўз маърифий-тарбиявий фаолиятида Ўзбекистон жамиятидаги фуқароларро баҳамжихатлик ва тотувликка путур етказиб, мустақил давлатимиз равнақига тўққинлик қилишга отланган террорчилар, бир гуруҳ жиноятчиларнинг кирдикорларини фош қилиш, халқаро террорчилик ҳаракати қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тушунтириш, аҳолининг барча қатламда миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялашга қаратилган суҳбатлар, учрашувлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бизнинг асосий мақсадимиз халқимизнинг барча қатламлари ўзлигини чуқур ҳис қилишга эришиш, уларни ўз Ватанининг асл ватан-

парварлари қилиб тарбиялашдан иборат. Шу боис биз каттаю кичикнинг маънавий тарбияси билан муносабат шугулланмоқдамиз. Қишлоқларда, маҳалларда, меҳнат жамоалари, соғлиқни сақлаш, таълим ва маданият муассасаларида ўтказилаётган тадбирлар чоғида тушунтириш ишларини қўлайтирмоқдамиз. Партиямиз фаоллари аҳолининг барча қатламлари орасига чуқур кириб бориб, уларни юртимизда тинчликни, ўзаро тотувликни, миллатларро баҳамжихатликни кўз қорачиғидек ардоқлашга, Ватан равнақи учун виждонан меҳнат қилишга ва умуминсоний қадриятлар, миллий қонунчилигимиз талаблари асосида яшашга даъват қилмоқдалар. Эеро, юрт тинчлигидан ортиқроқ бойлик бўлмаса йўқ. Тинчликни ардоқлаш Ватан келажagini, фарзандлар истиқболини ардоқлаш демакдир.

Раъшан ТОҶИБОВЕВ, Ўзбекистон Миллий тиклини демократик партияси Зангиота туман қонгашининг раиси.

### Кўшма лойиҳалар ишлаб чиқилади

Мамлакатимизда юксак малакада ва профессионал кадрлар тайёрлаш жараёнида жaxon тажрибасини ўрганиш ҳамда халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Утган давр мобайнида «Истеъдод» жамғармаси йўлнамаси билан қарийб 1500 нафардан зиёд муаллим ва талабалар нуфузли хорижий ўқув юртыда тахсил олиш ҳамда малака ошириш имкониятига эга бўлди, етакчи халқаро илмий-тадқиқот марказлари билан ўзаро алоқалар ўрнатилди. Ана шундай ҳамкорлик қўламлигини янада кенгайтириш мақсадида жамғарма хайъати яқинда Японияда бўлди.

Японияда ҳам олий таълим тизимида кенг халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда кўшма тадқиқотлар олиб бориш ишларига катта эътибор қаратилмоқда. Мақсадларнинг муштараклиги «Истеъдод» жамғармаси хайъати ташрифининг сермахсул бўлишига имкон яратди. Кейо, Токио, Хиточубаши университетлари, ДЖАЙКА, ДЖАЙС ва бошқа қатор таълим муассасалари учрашувлар давомида икки мамлакат таълим муассасалари ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш бўлиб қолди.

Мезонлар мустақиллик йиллари давомида мамлакатимизда ўтказилган таълим соҳасидаги ислохотларни юксак баҳоладилар. Япон томони бугунги кунда ҳам Ўзбекистон таълим муассасалари бой илмий салоҳиятга эга эканлигини эътибор этдилар.

Музокаралар якунида икки мамлакат олий ўқув юрты ўртасида академик алмасувни йўлга қўйишга доир кўшма лойиҳаларни ишлаб чиқишга келишиб олинди.

«Жaxon» АА.

## БИЕННАЛЕГА МАРҲАБО!

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида халқаро кўргазма – учинчи Тошкент замонавий санъат биенналесеси очилди.

Ўзбекистон Бадий академияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирнинг очилишида мунаввирлар, чет эллик меҳмонлар, юртимиздаги халқаро ташкилотлар ваколатхоналари, дипломатик корпус ҳамда санъат мухлислари иштирок этди.

Франциялик санъатшунос олим, Тошкент биенналесеси хайъати раиси Андрэ Накор, санъатшунослик фанлари доктори Нигора Аҳмедова, жанубий кореялик таниқли мусаввир Хан Хён Сам, Россия Халқаро расмолар уюшмаси ижроия кўмитаси раиси Маъсуд Фаткуллов ва бошқалар бугунги кунда жaxon тасвирий санъати юксак ривож

топган мамлакатларда айнан шундай биеннаселарни ўтказиш яхши анъанага айланганини таъкидладилар.

Тошкентда учинчи бор ўтказилган ушбу ўзига хос замонавий санъат байрамини юқори савияда ташкил этишга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилган мазкур тадбирнинг нафақат юртимиз, балки жaxon маданияти ҳаётидаги маъқеи ва обрўси тобора мустақамлашиб бораётганидан яна бир далолат. Кўргазмада дунё

нинг йигирмадан ортик давлатидан ижодкорлар иштирок этмоқда.

Биенналега тақдим этилган асарлар билан шу йилнинг 20 октябригача Ўзбекистон Бадий академияси марказий кўргазмалар зали, Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси, Замонавий санъат маркази, Халқаро маданият қарвон саройида танишиш мумкин.

Халқаро кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари Р.Қосимов, С.Иномова иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

## ЎЗБЕК ПАХТАСИННИГ ШУҲРАТИ ОРТМОҚДА

10-11 октябрь кунлари Тошкентда I Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси бўлиб ўтди



Мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида иқтисодиётнинг барча жабхалари қатори пахтачиликни ривожлантиришга ҳам устувор вазифа сифатида ёндашилмоқда. Зеро, сөрқувёш заминимизда етиштирилаётган пахта толаси жaxon бозорига ҳамма қадрланган. Шу боис етиштирилаётган пахтанинг сифати ва салмоғини янада кўпайтиришга, селекция ишларини юксалтириш орқали санъат-бол тола берадиган янги навларни яратишга, деҳқонларнинг юқори навли пахта етиштиришдан моддий манфаатдорлигини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Шу йилнинг 10-11 октябрь кунлари Тошкентда ўтказилган I халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида бундай муаммоларга барҳам бериш йўлларини ишлаб чиқиш режалаштирилмоқда. Жануби-шарқий Осиё, МДҲ ва Европа мамлакатларининг юздан ортик фирма, компания ва тўқимачилик корхоналари вакиллари иштирок этадиган

мазкур ярмаркада юртимиз пахта толасини етказиб бериш бўйича қатор шартномалар тузиш, узок муддатли савдо муносабатларини йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда.

Ярмарка кунлари иштирокчилар ширкат ва фермер хўжалиқлари даладорини бориб кўрадилар, ўзбек деҳқони пахтани қандай етиштиряётгани, уни қайта ишлаш, пахта сифатини назорат қилиш тизимлари ҳамда тола экспорти билан шуғулланувчи терминаллар фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Шубҳа йўқки, мазкур ярмарка ўзбек пахта толаси шуҳратини юксалтириш, унинг жaxon бозорига ҳарид нархини ошириш орқали давлатимиз иқтисодиётига валюта тушумини янада кўпайтириш, алал-оқибатда халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Олим НОРБЕКОВ, ЎЗА мухбири.

Тошкент вилояти хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан Ангрен шаҳрида ташкил этилган имконияти чекланган ногирон болалар яқшанба (машгулотлар ҳар яқшанба кунини ўтказилади) мактабида 5 ёшдан 16 ёшгача бўлган 40 дан зиёд ўғил-қиз бичиштиқиш, каштачилик, кулолчилик сингари ҳунарларни кунт билан ўрганишмоқда.

## ЯҚШАНБА МАКТАБИ ҲУНАРМАНДЛАРИ

Яқинда ёш ҳунармандлар томонидан тайёрланган буюмлар вилоят миқёсида ўтказилган «Моҳир кўлар» кўргазмасида муносиб баҳоланди.

— Мактабга илк бор қатнаётган кунларим мени онам опичлаб олиб келарди, — дейди ўн тўрт яшар Моҳира Мирзахмедова. — Болаларга қўйилиб, анча кўнглим кўтарилди. Қизиқарли машгулотлар бошқа болалар қафи манда ҳам иходий қобилиятни шакллантирди. Каштачилик ва кулолчилик қийинликмасдан ўзлаштириб олдим. Энг муҳими, соғлигим

тикланди. Эндиликда мактабга ўзим қатнаяман, велосипеди мустақил бошқараман.

Яқшанба мактабида ўқувчиларнинг ҳисмонан соғлом, маъна баркамол бўлишлари учун зарур шарт-шароитлар маъжуд. Отаналар, айникса, мактаб раҳбарияти ва шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Наргиза Назарова, шунингдек, ўқитувчи ва мураббийлар Роза Жонназарова, Неля Замонова, Анфия Қутлиеваларнинг хизматларидан мамнун.

Мунаввара РАЖАББОЙ кизи.

### Истеъмолчи манфаати

Яқинда бир воқеани эшитиб, ҳайрон қолдим. Қибрай туманида иккинчи жaxon уруши қатнашчиларини йиғиб, катта тантана ўтказилди. Мўтабар оқсоқолларни хурсанд этиш мақсадида совға-саломлар улашилди. Шулар қаторида шоколадли конфетлар ҳам бор эди. Набираларни хурсанд этишни кўнглига тугиб қўйган бир отахон учун бу аини муддао бўлди. Бирок...

Хурсандчилик узокқа чўзилмади. Сабаби ушбу конфетлар истеъмол учун яроқсиз ҳолга келган эди. Ҳақ-ҳуқуқларини тўғри аниқлаб етган отахон буни ўз вақтида бартаф эдиб, тегишли идорага мурожаат қилди. Мутасаддиларнинг олиб борган саъй-ҳаракатларидан шу нарса маълум бўлдики, маҳсулот Қарвон бозоридан олиниб, сақлаш шартларида риоя қилинмаган. Маълум вақт оралиғида у яроқсизлигини, соғлиқ учун зарарли ҳолатга тушиб қолган.

Ҳақиқатан ҳам ажабланирли хол. Узганинг кўнглини оламдан, деб эътиборсизлик оқибатида унга озор етказилган. Бу ерда маҳсулотни харид қилган маъсул кишида истеъмол маданиятининг етишмаганлиги кундай равшан. Кекса отахоннинг кўрган чораси пировадиди бошқаларни ҳам азият чекишдан сақлаб қолди.

Жамиятдаги ҳар бир саъй-ҳаракатда, албатта, инсон ҳаёти, манфаати ўз ифодасини топади. Бу борада халқ манфаатини ҳимоя қилувчи, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини кўзлаб иш юритувчи ташкилот ва идораларнинг фаоли-

### Нишондорларимиз



## ТОЛАЛАРГА СИНГАН МЕҲР

Манзура Жалилова чорак асрдирки, Қуйчирчиқ туманидаги «Мустақиллик» пахта тозалаш заводидида меҳнат қилади. Иш фаолиятини оддий ишчиликдан бошлаган Манзура Жалилова аини вақтда заводнинг тола ажратиб бўлими оператори даражасига кўтарилди ва ўзининг узок йиллик тажрибаси, билими ҳамда маҳоратини ёшларга сингдириб келмоқда.

— Мен бахтимни меҳнатдан топдим, — дейди у. — Ўз ишини севгучи, меҳнаткаш инсон, албатта, кўзлаган мақсадида эришишига, қолаверса, катта жомоада ҳам, жамиятда ҳам шу тариха обрў-эътибор қозонишига ишондим.

Ҳақ гап. Биз тилга олган М. Жалилова-нинг ҳам кўп йиллик самарали меҳнати,

эл-юрт олдидаги фидокорлиги беиз кетмади. Юртимиз мустақиллигининг 14 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига мувофиқ «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

**СУРАТДА:** Манзура Жалилова иш устида.

Даврон АХМАД олган сурат.

### Маҳалла



## ЕТАКЧИ АЁЛЛАР

Бугунги кунда фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларни ўз вазифаларини тўла аниқлаб, хотин-қизлар масалалари, маҳалладаги вазиятни тўғри ва одилона таҳлил қилиш билан бирга тақлиф-мулоҳазалар билдиришмоқда. Шунингдек, хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантиришга бўлган эътибор, аёлларнинг ижтимоий фойдала меҳнат билан бағдчиларини таъминлайдиган омилларни белгилашдаги саъй-ҳаракатлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Жумладан, Бўжа туманида фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ушбу соҳаларга аёллар эътиборини жалб қилиб, турли масалаларда баҳамжиҳатлик билан иш юритишмоқда. Маҳалладаги аёл етакчиларни жаллаб, хотин-қизларнинг кайфияти, ҳақиқий аҳолини ўрганиш ҳамда муаммоларини бартаф этиш мақсадида суҳбат-учрашувлар ўтказилмоқда. Давраларда

Президент фармонларининг мазмун-моҳиятини кенг очиб, уларни изчил амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар белгилашмоқда.

**СУРАТДА:** «Маҳалла» хайрия жамғармаси Бўжа тумани бўлими раиси Тўлғаной Ҳамроқуллова «Янги ҳаёт» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Мухтабар Баҳриддинова билан илгор тажрибалар хусусида фикрлашмоқда.

Даврон АХМАД олган сурат.

### «Бекободцементтаъмир»:

## МИЖОЗЛАР МИННАТДОР

«Охангаронцемент», «Бекободцемент», «Охангароншифер», «Кизилкумцемент», «Қувасойцемент» очик акциядорлик жамиятлари «Бекободцементтаъмир» корхонасининг асосий буюртмачилари ҳисобланади.

Яқиндан бошлаб улар сағифа «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам қўшилди. Бу корхона биметаллургия ашёларини металлургия санъатининг ушбу етакчи жамиятлари ишчи-хизматчиларининг оғирини енгил, мушкулликни осон қилмоқда. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш, мавжуд техника воситаларини таъмирлаш, янги-ларини ўрнатиб қайта ишларни бажаришга ва бу билан уларнинг барқарор фаолият кўрсатишига қўмаклашмоқда. Айникса, цемент ва шифер ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарга катта нафи тегмоқда.

Уларга зарур эҳтиёт қисмлар етказиб бермоқда, асбоб-ускуналарни таъмирлаш билан боғлиқ барча ишларни бажармоқда.

«Бекободцементтаъмир» корхонасининг масъулияти чекланган жамиятга айланиб ишлаётганига ҳали кўп бўлмасда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кескин ошди. Йил бошидан буён 1 миллиард 85 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, саккиз ойлик топшириқ 125 фоиз бажарилди.

Корхона ахли ўз буюртмачилари сафини йилдан-йилга кенгайтириб борапти. Жамият йил бошидан буён «Узметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлаш-

масининг барча цехларида технология жижозларини таъмирлашда фаол қатнашмоқда. Утган саккиз ой давомида металлургия комбинати учун 859 миллион сўмлик эҳтиёт қисмлар етказиб берилди. Аини чоғда «Бекободцемент» комбинатида 70 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари тугалланди.

300 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган жамиятда деярча иш ҳақи 115-120 минг сўми тақлиб этгани ҳолда уларнинг моддий манфаатдорлиги ҳам тобора ортиб бормоқда.

— Келгусида ишлаб чиқариш қувватларини янада оширамиз, — дейди жамият раиси Юсуф Охунов. — Корхона янги технология жиҳозлар билан бойитамиз. «Узметкомбинат» бирлашмаси билан ҳамкорликда қўшимча цех ва янги иш

Ашурали БОЙМУРОДОВ.

## «СИЗНИ ЯХШИ ЭШИТАЯПМАН...»

Янгийўл телекоммуникациялар боғламаси фаолияти билан танишмоқчи бўлсангиз, дастлаб 19 минг рақамини тилга олишади. Бу тармоқдаги автоматлашган телефон станцияларининг умумий сифимини кўрсатар экан.

Улар бирқанча станцияларга жамланган. 4000 рақамли Янгийўл марказий, бооматхона худудидидаги 3 минг, «Наврўз» даҳасидидаги беш минг, Янгийўл тумани марказидидаги уч минг рақамли АТСлар шулар жумласига қиради. Бундан ташқари, яна тўрт минг рақамли станция ҳам шу корхона алоқачилари томонидан қўшимча бошқарилади. Хозирга келиб унинг абонентлари 16 мингга етди.

Боғламада шаҳарлараро телефон алоқаси ҳам йўлга қўйилган. Замонавий компьютерлар ва қатор бошқа техника воситалари орқали жaxonдаги исталган мамлакат билан боғланиш мумкин.

Боғлама жомаси вилоятда биринчи бўлиб ДЭУ фирмасининг АТСларидан фойдаланишни ўзлаштирди. Бу ерда янги ва замонавий алоқа воситаларини ишлатишда тўплаган тажриба бундай мосламаларни бошқа боғламаларда жорий қилиш ва фойдаланишда жуда қўл келди.

Замонавий технология ва илгор техника воситаларини моҳирона бошқараётган алоқачилар мижозларга хизмат кўрсатиш қўлами ва сифатини мунтазам ошириб бормоқдалар. Барча асбоб-ускуналарни тўла қувват

билан ва бир маромда ишлатиш, юзага келган муаммоларни тез ва соз ҳал қилиш, алоқачиларнинг касб маҳоратлари юксаклиги ютуқлар омили бўлмоқда. Шу тўғрисида биринчи ярим йилликда қўрилган даромад 366 миллион 440 минг сўмга етди, аҳолига кўрсатилган хизмат 282 миллион 190 минг сўмликка борди.

Телефон аппаратларини ўрнатиш бўйича мурожаатлар қисқа муддатларда амалга оширилди. Утган ярим йилда корхона, ташкилот ва хонадонларга 232 та телефон аппаратлари ўрнатилди. Бу режага нисбатан етти фоиз кўпдир. Аини вақтда янги линиялар қўриш, мавжудларини мукамал ва жорий таъмирлаш тўхтовсиз давом этапти. Қатор асосий кабеллар, қўчалардан ўтган тармоқ алоқа линиялари янгиланди. Телефон қудуқлари ич тозаланди, кабеллар тартибга келтирилди, осилиб ётган линиялар тузатилди.

Жомо алоқа хизмати маданиятини ошириш, эришилган ютуқларини янада мустақамлаш учун барча имкониятларни ишга солиш йўлида изланишларни изчил давом эттирмоқда.

Собир ХАМИДОВ.

## Японияда «Экспо – 2005» кўргазмаси якунланди

Япониянинг Аичи префектурасида янги минг йилликдаги биринчи «Экспо – 2005» халқаро кўргазмаси ниҳоясига етди. Кўргазманинг тантанали ёпилиш маросимида Япония шаҳзодаеси Нарухито, мамлакат бош вазири Коидзуми, парламент депутатлари, дипломатия корпуси ва қатор халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди. Меҳмонлар мазкур йирик кўргазманинг ютуқ-муваффақиятларини юксак баҳоладилар.

«Экспо – 2005»да дунёнинг 120 дан ортик мамлакатини ўз экспозицияси билан қатнашди. Иштирокчи мамлакатларнинг миллий кўнралига тўққиз нафар кирол оиласи, 18 давлат раҳбари, 16 бош вазир ва бошқа юқори мартабали меҳмонлар ташриф буюрдилар. Олти ой давом этган мазкур кўргазмага ҳаммаси бўлиб 22 миллион киши келди. Бу эса ташкилотчилар кутганидан 7 миллион кўп, деган гап.

Маълумки, инсониятнинг кенг қамровли ва кўп қиррали фаолияти натижасида заминимизда иқлим ўзгаришлари, ер юзасида ҳароратнинг кўтарилиб бориши сингари ҳоллар рўй бераёттирди, булар натижасида инсоният турли муаммоларга рўпара бўлмоқда. Шунинг учун ҳам ушбу кўргазманинг асосий мақсади дунё ҳамжамиятини атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига даъват этиш бўлди. Шу боис Аичи префектурасидидаги 173 гектарлик кўргазма мажмуини барпо этишда япон меъморлари асосий эътиборни атроф-муҳит манзараларини ифода этишга қаратдилар.

Таъкидлаш жоизки, ушбу «Экспо – 2005»да юртимиз вакиллари ҳам муваффақиятли иштирок этдилар. Мамлакатимиз мазкур тадбирнинг сертификати ва бронза совринини олишга муваффақ бўлди.

«Жaxon» АА.

ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ СЕМИНАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида «Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси депутатлик гуруҳлари фаолиятини ташкил этиш» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Унда мазкур академия ректори Қ.Назаров давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги дастурий маърузасида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш борасида белгилаб берган вазифалар сиёсий партиялар зиммасига ҳам қатта масъулият юклатилиши таъкидлади.

Семинарда ушбу партиядан сайланган депутатларнинг қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар яратиш борасидаги шахсий масъулиятини ошириш, жойларда ечимини қутаётган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни аниқлаш ва тегишли маҳаллий бошқарув идоралари билан ҳамкорликда уларнинг ҳал этилишига эришишга оид масалаларга эътибор қаратилди. **Н. УСМОНОВА, УзА мухбири.**

Суд тизими: КАСБИЙ ИХТИСОСЛАШУВ ЗАРУР

Суд муҳокамаси одил судлов идоралари фаолиятининг асосий қўринишидир. Мамлакатимиз суд муассасаларига қонунларни тўғри қўллашни таъминлаш вазифаси юклатилган бўлиб, улар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қорхона, муассаса ва ташкилотларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилади.

Республикаимизда бозор иқтисодиёти тизимига асосланган ҳуқуқий демократик давлатнинг ижтимоий муносабатлари муайян даражада шаклланиб, суд ислохотларини ҳам амалга ошириш зарурати юзага келди. Шунга мувофиқ 2000 йил 14 декабрда янги тахрирдаги «Судлар тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонуннинг 2-моддасида судларнинг вазифалари аниқ белгилаб қўйилди. Унда суд фаолиятининг сифатини ва маданиятини ошириш, шунингдек, фуқароларнинг қонунларга қатъий риоя этиш, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиш, шахс ҳуқуқ ва қадр-қимматини ҳурмат қилишни қарор топтиришга қаратилган чораларни кўриш зарурлиги ўз аксини топган.

Бўйича иш юриштиринг ўзига хослигини акс эттира олмайдиган умумий хусусиятга эга ишлардир. Шу сабабли ҳам воқеа етмаганлар ишларини кўриб чиқишга нисбатан қандайдир ўзига хослики ажратиб кўрсатиш ва тарғиб қилиш зарурати мавжуд. Воқеа етмаганлар ишлари бўйича суд жараёнлари сифат ва самарасини ошириш зарурати жиноят ишлари бўйича судьяларнинг ихтисослашуви масаласини кун тартибига қўймоқда. Судда жиноят ишлари, айниқса, воқеа етмаган ҳуқуқбузарларнинг ишларини муҳокама қилиш бир-бирига боғлиқ тўртта муаммони ўрганишни талаб этади: жиноятнинг сабаблари, жиноятнинг шаклланиш жараёни, индивидуал ҳулқ-атвор механизми, мажбурлов ва оғохлантирув чораларининг таъсир самараси. Бу эса судьяларнинг ихтисослашуви фаол амалга оширишни тақозо этади. Ҳуқуқшунос олимларнинг фикрича, бундай ихтисослашув судларнинг иш юриштиринг сифатини оширишга, амалиётнинг бирлиги ва барқарорлигига, тарбиявий-профилактик ишларни кенгайтириш ва мувофиқлаштиришга ёрдам беради.

Баён этилганлардан аёнки, судьяларнинг касбий ихтисослашуви муҳим аҳамиятга эга. Шу муносабат билан воқеа етмаганлар жиноятлари ҳақидаги ишларни судда кўриб чиқишда юзага келувчи бир қатор ахлоқий муаммолар билан чамбарчас боғлиқ. Ҳозирги вақтда суд этикаси муаммолари тадқиқотчиларнинг алоҳида эътиборини тортмоқда. Бироқ, тадқиқотлар асосан жиноят ишларининг айрим турлари

**Шавкат ИСОҚОВ, Тошкент давлат юридик институти талабаси.**

Сўраган эдингиз



Охангарон ўрмон ҳўжалигининг таърифи-тавсифини ўрнига қўйиш жуда мушкул. У табиатнинг гўзаллиги, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг ранг-баранглиги билан ажралиб туради, қишин-ёзин яшил либосини тарқатадиган арча ва бошқа турли-туман дарaxтлардан ташкил топган ўрмон ва бу-тазорлари, шифобахш ва оромбахш иқлими, тоза ҳавоси, йил давомида қор-музлари эрмайдиган виқорли тоғлари, тинмай эсиб турадиган майин шабадаси ақингизини шоширади, ҳузур бахш этади. У вилоятимизнинг йирик ҳўжалиқларидан бири бўлибгина қолмай, республикаимиздаги ўрмон ҳўжалиқлари орасида ҳам қатта мавқога эга. 115 минг гектар атрофидаги майдонга эга

бўлган ҳўжалик ҳудуди Охангарон ва бошқа айрим туманлар бўйлаб ястаниб ётибди. Ҳўжалик ҳудудида 20 га яқин турли хил дарaxтзорлар бўлиб, ҳар бири катта-катта майдонларни эгаллаб турибди. Арчазорларнинг поёни йўқ, десак муболага бўлмайди. Улар бу ердаги ўсимлик дунёсининг ноёб, айни вақтда энг кенг тарқалган тури ҳисобланади. Айни вақтда терак, заранг, бодом, ёнғок, хандон pista, дўланазорлар ҳам юзлаб гектар ерда яшанаб туради. Ҳўжаликдаги ўрмонзорлардан ҳар йили тонна-тонналаб шифобахш, экологик соф мевалар териб олинади. Олма, нок, ўрик, олча, шафтоли, бодом, ёнғок... Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Айни вақтда дарaxтларни парва-



Ўртачирчиқ туманидаги Охунбобоев номли ширкат ҳўжалигида қузғи галлани қўлай мўддатларда сифатли экиб олишга бағишлаб ўтказилган кўргазмали ўқув машғулоти жараёнида ерни экишга тайёрлаш, қайси навни қачон экиш, қандай озиклантириш юзасидан аниқ тавсиялар берилган эди.

МУНОСАБАТЛАР РИВОЖЛАНЯПТИ

Хитой - Ўзбекистон муносабатлари ривожининг олтин даврига шохид бўлиш бахтига муассар бўлдим, - деди ХХР ташкил топганлигининг 56-йиллигига бағишланган анжуманда мазкур мамлакатнинг юртимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Гао Юйшэн.

Элчининг таъкидлашича, унинг Хитойнинг туғилиши унинг тарихи ва тақдирини катта бурилиш җсади. Утган давр мобайнида Хитой халқи мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий ахилтилигини сақлаб қолишга эришди. Давлат қурилиши, иқтисодиёт ривожланиши, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, шунингдек, ижтимоий тараққийга эришишда катта ютуқларни қўлга киритди.

Шунингдек, Гао Юйшэн ўзининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчи сифатидаги дипломатик миссияси низоғига етганини ва у Ўзбекистон раҳбарияти, ишбилармон доиралари ва жамоат ташкилотларидан кўрсатилган ёрдам, ҳамкорлик учун чин юракдан миннатдор эканини изҳор этди. - Мен Хитой - Ўзбекистон муносабатлари ривожининг энг сермахсул даврида

Хурматли тахририят! Вилоятимизда қатор ўрмон ҳўжалиқлари ишлаб турипти, лекин уларнинг фаолияти ҳақида етарли тушунчага эга эмасмиз. Шундай ҳўжалиқларнинг бири ҳақида қисқача бўлса ҳам маълумот беришингизни истар эдик. Ақром АҲМЕДОВ, Собит ТУРСУНОВ, Янгийўл шаҳри.

ЎРМОНЛАР КИМИНГ ҚАРАМОҒИДА?

ришлаш, янги ўрмонлар барпо этиш ва уларни ҳимоялаш, қўчатлар экиш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда. Утган йилда ҳам шу мақсадга қаратилган саъй-ҳаракатлар кенг қўламда давом этди. Энг муҳими, янги ўрмонлар барпо этишда муайян натижаларга эришилди. Йил давомида жамоа фаолиятининг бу етакчи соҳаси бўйича белгиланган топшириқ ортиги билан бажарилди. 200 гектардан ортиқ янги ўрмонлар барпо этилди. Ўрмонларни парвариш қилишда назарда тутилган марра муваффақиятли эгиланди. Ҳаммаси бўлиб 5119 гектар майдондаги ўрмонзорлар парвариш қилиниб, топшириқ 102 фоиз қилиб удаланди. Ёш дарaxтзорларга қўшимча қўчат

ликларга қарши курашиш ҳам атрофича олиб борилмоқда. Бунда энг арзон, қўлай ва фойдали биологик усулдан фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Сўнгги йил давомида ҳаммаси бўлиб зараркундаларга қарши оддий усул билан 200 гектар майдонда кураш олиб борилган бўлса, 503 гектарда зарарли хашаротларга қарши курашда биологик усул қўлланилди.

Ҳўжаликда майдонларни турли чиқиндилардан тозалаш, ўрмонзорларнинг санитария ҳолатини яхшилаш, соғломлаштириш, қуриган дарaxтлар, шох-шабаларни қирқиш, ўрмон ҳўжалиғи эҳтиёжи учун йўллар ва зинаполярлар қуриш, суғориш тармоқларини таъмирлаш каби юмушлар ҳам муттасил олиб борилляпти. Чунончи, 33 гектар майдонда янги суғориш тармоқлари барпо этилган бўлса, минг гектардан ортиқ майдондаги шундай тармоқлар таъмирланди. Бундан ташқари, 10 километр узунликдаги йўллар қурилди. 100 километрдан ортиқроғи таъмирдан чиқарилди.

Ҳўжалик ходимларининг самарали фаолияти она табиатимизни асраб-авайлаш, унинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси бойлиқларини сақлаш ва ривожлантиришга, ҳавомис тоза бўлишига қўмаклашишга қаратилганлиғи билан диққатга сазовордир. **Собир ҲАМИДОВ.**

«Ўстандарт» агентлиги делегацияси Сингапур шаҳрида ўтказилган Стандартлаштириш Халқаро Ташкилотининг (СХТ) 28-Бош ассамблеясида иштирок этди. Агентликдан маълум қилишларича, унда ҳозирги замон тахдидлари олдини олиш фаолиятидаги янги йўналишлар муҳокама этилди.

СТАНДАРТЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мазкур тадбир қатнашчилари СХТнинг 2005-2010 йилларга мўлжалланган стратегия режалари ва ривожланаётган давлатлар учун ҳаракат дастури билан танишишди. Хусусан, ушбу ҳужжатларда 200 дан зиёд мамлакат вакилларининг СХТ техник қўмиталарида қатнашиш имкониятларини кенгайтириш назарда тутилган. Ўзбекистоннинг стратегия йўналиши СХТнинг пахта ва шойи саноати

учун стандартлар ишлаб чиқиш бўйича қўмитасига кириш ҳисобланади.

Ўзбекистон 1994 йилда СХТнинг ҳақиқий аъзоллиғига қабул қилинди. Ҳозирги вақтда 151 давлат ваколатхонаси ушбу ташкилотда фаолият юритмоқда. СХТ 1946 йилда БМТнинг стандартларни мувофиқлаштириш қўмитаси мажлиси томонидан ташкил этилган. **«Туркистон-пресс».**

МЎЛ ҲОСИЛГА ЗАМИН

— Биз айни кунларда ана шу тавсияларга таянган ҳолда иш юритмоқдамиз, — дейди Охангарон туманидаги «Бирлик» ширкат ҳўжалиги бош ҳосилоти Жуман Парпиев. — Аввало, ерлар яхши текисланиб, тупроқ обдон майдаланган майдонларга уруғлик сепилмоқда. Дарҳақиқат, ҳўжаликда

ерлар «Магнум» ва Т-150 тракторлари ёрдамида пешма-пеш тайёрланиб, кунига ўртача 20 гектар ерга уруғ қадалмоқда. Абдуқаҳор Аҳмедов, Раҳмон Искандаров, Абдурахим Абдусаматов каби таҳрибули механизаторлар галла учун ажратилган 500 гектар майдоннинг яримдан қўпига уруғ сепаб бўлдилар.

**СУРАТЛАРДА:** бош ҳосилот Жуман Парпиев пудратчи Бахтиёр Асаев даласига сепилаётган уруғлик сифатини кўздан кечирмоқда; экиш пайти.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**



Енги автомобилларнинг узок ва бенкусон ишлаши нафақат ҳайдовчилар, балки техник хизмат кўрсатувчи мутахассислардан ҳам алоҳида маҳорат ва масъулият талаб этади.

МАҲОРАТЛИ УСТАЛАР КЎРИГИ

Бу борада уларнинг амалий кўникмаларини кўриқдан ўтказиш, тажриба ва малакасини ошириб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Ана шу мақсадда Бухоро шаҳрида «Узавтотеххизмат» акционерлик жамияти тизимидаги қорхоналарнинг тажрибали мутахассислари ўртасида «Уста - 2005» республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган элликдан зиёд уста ва соловчилар ўз касб билани, хизмат маданияти, мисли ва кўникмаларини намойиш этди. **Э. ЁДГОРОВ, УзА мухбири.**

ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ



Ўзбек адабиёти оғир жудолликка учради. Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Бегуний номидаги давлат мукофоти соҳиби, «Жаҳон адабиёти» журналы бош муҳаррири, профессор Озод Обидович Шарафиддинов узок давом этган хасталиқдан сўнг 76 ёшида вафот этди.

Озод Шарафиддинов 1929 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. 1951 йилда Урта Осиё давлат университетини (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг филология факультетини битиргач, Москвадаги Жаҳон адабиёти институтининг аспирантурасида таҳсил олиб, номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Озод Шарафиддинов адабиётга ўтган асрининг 60-йилларида ўзига хос овози билан кириб келди. Унинг бадиий адабиёт муаммоларига бағишланган ўткир мақолалари, айниқса, «Замон, қалб, поэзия» китоби ўзбек адабиётига янги нафас олиб кирди. Олимнинг талабчанлик руҳида, жўшқин қалб ҳарорати билан ёзилган адабий-танқидий асарлари, атоқли ўзбек адабиёт тарихининг адабиётимиз ривожига катта ҳисса қўлди.

У ёш истеъдод эгаларини тарбиялаш ва уларни қамолотга етказиш борасида ҳам ибратли фаолият олиб борди. Олим қирқ йил давомида Ўзбекистон Миллий университетиде меҳрибон устоз, жонкуяр педагог сифатида самарали хизмат қилди. Озод Шарафиддинов 1996-1997 йилларда «Тафаккур» журналининг бош муҳаррири ўринбосари, 1997 йилдан то умрининг охирига қадар

**И.КАРИМОВ, М.ШАРИФҲЎЖАЕВ, Э.ХАЛИЛОВ, Ш.МИРЗИЁЕВ, Х.СУЛТОНОВ, Р.КОСИМОВ, А.ОРИПОВ, Саид АҲМАД, Э.ВОҲИДОВ.**

БМТ ВАКИЛЛАРИ ПАРИЖДА

Парижда БМТнинг фан, таълим ва маданият масалалари бўйича ташкилоти - ЮНЕСКОнинг 33-Бош конференцияси бошланди. Унда ташкилотга аъзо 191 мамлакатдан вакиллар иштирок этмоқда.

Анжуманда дунё халқлари ўртасида маданий алоқаларни кенг йўлга қўйиш, спортда допинг муаммосига қарши курашиш ҳамда биоэтикага оид масалалар муҳокама этилади. 21 октябрдан давом этадиган конференцияда шунингдек, ЮНЕСКО Ижроия кенгаши аъзолари ва мазкур ташкилот раҳбари лавозими учун сайлов ўтказилади. Маълумотларга қўра, ЮНЕСКО бош директорлиғига 1999 йилдан бўён ташкилотни бошқариб келаётган япониялик Коитиро Мацууранинг қайта сайланиши кўтилмоқда.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР! «Respublika Ko'chmas mulk birjasi Toshkent viloyati filiali»

Сизларни 2005 йил 8 ноябрь соат 12.00 да «Respublika Ko'chmas mulk birjasi Toshkent viloyati filiali» савдолар залида ўтказилайдиган навбатдаги очик аукцион савдоларига таклиф этади.

- Савдога қўйиладиган қўйиллади: «5-сон автоқорхона» очик акциядорлик жамиятига қарашли қўйиллади автотранспорт воситалари: — «НЕКСИЯ» русумли, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 АС 200 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 577 300 сўм. — «НЕКСИЯ» русумли, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 АВ 055 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 886 500 сўм.

Сотувга қўйилган автотранспорт воситалари сотилмаган тақдирда 2005 йил 15, 22, 29 ноябрь ва 6, 13, 20, 27 декабрь кунлари соат 12.00 да бўладиган аукцион савдосига ўтказилади.

Қўйилган автотранспорт воситаси ўтган аукцион савдоларида сотилмаганини сабабли, 2005 йил 4! 11, 18, 25 октябрь, 1, 8, 15, 22, 29 ноябрь ва 6, 13, 20, 27 декабрь кунлари ўтказилайдиган аукцион савдоларига ўтказилади. «Регионал Геология» очик акционерлик жамиятига қарашли 1987 йилда ишлаб чиқарилган «ЗИЛ ММЗ-4502» русумли, давлат рақами 11 А! 860 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 300 000 сўм. Автотранспорт воситаси савдоларида қатнашиш учун ариза қабул қилиш савдодан бир соат олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун 10 фоизлик закат пулини қабул қилиш аукцион савдосидан бир соат олдин тўхтатилади. **Бизнинг манзил:** Тошкент шаҳри, Мировод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти. **Телефон:** 133-28-52, **факс:** 133-43-73.

● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport



Аргентинанинг Сан-Луис шаҳрида Халқаро шахмат федерацияси - ФИДЕ томонидан ўтказилган жаҳон чемпиони кизгин давом этмоқда. «Потреро-де-лос-Фунес» меҳмонхонасида ташкил этилган мусобақанинг бешинчи турида Майкл Адамс (Буюк Британия) - Рустам Қосимжонов (Ўзбекистон) ва Пётр Свидлер (Россия) - Веселин Топалов (Болгария) ўртасидаги учрашуларга қизиқиш катта бўлди.


### РУСТАМ ЯНА ДУРАНГТА РОЗИ БЎЛДИ

Ўтган учрашувда чемпионнинг энг кучли гротмейстери хиндистонлик Вишванатан Ананднинг мағлубиятга учратиби, муҳлис ва мутахассислар эътиборини қозонган ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов Буюк Британия вакили Майкл Адамс билан ўтган йилги жаҳон чемпионати финалида куч синашган эди. Кутилгандек, беллашув аниқ қизиқарли бўлди, бироқ гротмейстерлар баҳсида яна голиб аниқланмади. Оқ доналар билан уйнаган Майкл Адамс 29-юришда амалдаги жаҳон чемпионига дуранг тақдир қилди ва Рустам Қосимжонов унга рози бўлди - 0,5:0,5. Юдит Полгар (Венгрия) - Александр Морозевич

(Россия) ва Вишванатан Ананд (Хиндистон) - Петер Лекко (Венгрия) ўртасидаги учрашуларда ҳам дуранг натижа қайд этилди. Мусобақада бешта имкониятдан 4,5 очко жамғарган Веселин Топалов пешқадамлик қилмоқда. Пётр Свидлернинг илк мағлубиятидан фойдаланган Вишванатан Ананд очколар ҳисобида россиялик шахматчига етиб олди. Ҳозирча иккала гротмейстер утадан очко тўплаган. Аниқ барқарор ўйин кўрсатаётган Рустам Қосимжонов 2,5 очко билан тўртинчи ўринда бормоқда. Жаҳон чемпионати 16 октябрь кuni якулланади. **Зоҳир ТОШЎҲАЕВ, Ўза шарҳловчиси.**

### «ТОШКЕНТ ОПЕН»: ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР

Пойтахтимизда хотин-қизлар ўртасида теннис бўйича «Тошкент опен» халқаро турнири бошланди. Ингирмага яқин мамлакатдан келган ўттиз нафардан зиёд теннисчи яққалик ва жуфтлик беллашуварига киришди.



Маъжур мусобақада юртимиз шарафини мамлакатимизнинг энг сара теннисчилари - амалдаги Осиё чемпиони Оқул Омонмуродова ҳамда «Тошкент опен» турнирининг 2000 йилдаги голибаси Ирода Тулаганова ҳимоя қилмоқда. Айтиш жоизки, мусобақанинг дастлабки кундаги учрашулар ўзбекистонлик ракетка усталари учун омадли бўлди. Ирода Тулаганова турнирчи саралаш босқичидан бошлади. Дастлаб, беларуслик Дарья Куставани 7:6, 6:1, кейин россиялик Анастасия Радионовани 6:4, 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратган Ирода, асосий беллашуларда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Асосий босқичнинг биринчи учрашувда Ирода Тулаганова Украина вакиласи Ольга Савчукдан 6:2, 6:2 ҳисобида устун келди. Куръа натижасига қўра, турнирнинг иккинчи рақамли ракеткачиси Алёна Бондаренкога (Украина) рўбарў келган Оқул Омонмуродова ҳам муҳлисларини ҳушунд этди. Рақибасини 7:6, 6:4 ҳисобида енгган Оқул иккинчи босқичга йўланма олди.

### Буни ҳаёт дейдилар



— Ё, таваб, қўшни, эшитдингизми? Орифа буви бандаликни бажо қилибди. Гулсаранинг гаги эндигина сув олгани чиққан Кумри опани ҳайкалдек қотириб қўйди. — Йў-э, нималар деяпсиз? Халигина ўғлим Бахтиёр ўроқлари билан бувининг қуриган дархатларини бутаб, тандир тутатишга ўтин ҳозирлаб келишганди-ку? — деди Кумри опа ишонқирамай. — Тўғри. Мен ҳам бувининг боёгина ҳашарчи болакайлари қузатаётганини кўргандим. Аммо... — Гулсара бошқа гапиролмай, йиғлаб юборди.

Кумри опа Гулсара рост гапиратганлигига энди ишонганди. Ишонди-ю, ҳаяжон босганидан қўлидаги челаги ерга тушиб кетганини сезмай қолди. — Орифа бувиникига жанозага, — деган Шермат жарчининг овози Кумри опанинг ҳушини ўзига келтирди. — Эй, Худо, қандай жаннати аёл эди-я! — Кумри опа дуога қўл очиб, юзига фотиҳа тортди.

Уша кун узоқ йиллар мўъжазгина уйда ёлғизликда яшаган табаррук аянинг дафн маросимига бутун қишлоқ қўчиб келди. Одамлар ўзларининг саховати ва меҳрибон бовисига айланган кампирни сўнгги йўлга қузатиб қўйишди.

... Орифанинг бололиги шу қишлоқда ўтган. Ота-онаси саратон касаллигига чалиниб, вафот этганида у эндигина ўн беш баҳорини қаршилаганди. Етимликни бўйинга олган қиз ҳаёт ва яшаш учун курашди. Қишлоқда янги ташкил этилган «Меҳнат-Бирлик» жамоа хўжалиги далаларига чиқиб, кун чиққандан, кун бутгунча меҳнат қилди. Ёлғизликнинг азоб-қувбатларини енгилга интилди. Бор аламини меҳнатдан олди.

У ўн етти ёшга тўлганда ҳамқилшоғи Аҳмад-жон билан севишиб, бир ёстиққа бош қўйди. Севишли ёрининг висолига тўйиб улгурмаган Аҳмад-жон биринчилардан бўлиб урушга отланди. Орифа турмуш ўртоғини кўзларида жиққа ёш билан қузатар экан, қорнида ҳомиласи борлигини сезди. Аммо уни эрига айтишга ботина олмади.

Аҳмад-жондан дамба-дам келиб турадиган мактублар орадан беш ой ўтгач, тўхтади. Орифанинг юраги безовталана бошлади. Кўчадан овоз келса, «Эримдан хат-хабар бормикан?» деб югуриб чиқарди. Лекин ҳадеганда Аҳмад-жондан хабар келмасди. Уша оқшом Орифа галати туш қўрди. Аҳмад-жон қалин ўрмонзор ичида қора илонлар галасига дуч келиб қолганмиш. Аҳмад-жон уларни енгил учун жон-жаҳди билан курашар, кўзларида ёвузлик ўти ёнган қора илонлар эса уни дуч келган жойидан тишлармиш. Чўчиб уйғонган ёш жувон

қўнгли бир нимани сезгандек, эрта тонгда туриб ҳаммаёқни сугуриб-сидирди. Тандирда ном ёлди. Тушдан кейин Малик хат ташуви унинг қўлига «қора хат» туғқазиб кетди.

Орифа дод солиб йиғларкан, фашистларни бор бисотидаги сўзлар билан қарғати. Қишлоқдошлари унинг чил-чил синган юрагига дардкаш бўлишди.

Мотам либосини кийган Орифа худди жонсиз ҳайкалга ўхшаб қолганди. Унинг наздида бу ёруғ дунё ҳам зим-зиё зулматга айланганди. Нима бўлганда ҳам инсон ҳамма нарсага чидар экан. У ҳам чидаши, туғилажак фарзанди учун яшаши лозимлигини ўйларкан, сабрли бўлишга қарор қилди.

Орадан уч ой ўтгач, кўзи ёриб, қиз қўрди. Табиийки, унга Едгора деб исм қўйди. Ёш она энди ёлғизлик азобидан қутулиб, фарзандига бутулай боғлиниб қолганди. Қундан-қунга ўсиб улғаяётган Едгора она юрагидиға жароҳатнинг битишида умид чироғи бўлди.

Едгора ўн саккизга қиканида совчилар келди. Палаҳмон тоши қаёққа отса шу бўларкан. Орифа қизини Чирчиққа узатди. Яна хувиллаган ҳовлида ёлғиз ўзи қолди. Ёлғизлик нималигини у аввал ҳам бошидан кечирганди. «Зора қизим ўғиллик бўлса, шу ҳовлига келин туширсам» деган орзу билан яшайди. Тақдир экан, Едгорага ўғил эмас, беш қизини ишонч қилди. Неваралар катта бўлгач, бувинини кўргани тез-тез келиб, ўйини тўлдирдишар, улар кетгач, яна ҳовли сув қуйгандек хувиллаб қоларди. Ана шундай кезларда қўшни кампирлар тез-тез аяни кўргани чиқиб туришарди. Қишлоқ болакайлари эса бувининг дастёрига айланмишганди. Болакайлари бир кун ўтин ҳашар қилишса, аяни бир кун ўрик, олма, шафтоли, гилос, олчагарини териб беришарди. Қузда эса хийда териб, ёнқоқларни қоқшарди. Орифа буви ҳар йили қол-қол олма, ўрик, шафтоли, олма меваларидан туршак қуритарди. Қиш чиласида эса уйма-уй юриб, қўни-қўшилларга туршак улашиб чиқарди...

Орифа бувидан едгорлик қолган боғ ҳовли бир неча йил хувиллаб, чироғи ўчиқ турди. Ниҳоят, Едгора қизларини узатиб, уйли-жойли қилиб тинчигач, бололиги ўтган ҳовлига қўчиб келди. Онасидан қолган уй чироқлари яна чарқлаб ёна бошлади.

Мана, ҳозир Едгора опа ёлғиз яшайди. Қўшни аёллар уни кўргани чиқиб туришарди. Қишлоқ болакайлари, бир этак набиралари эса Едгора опага уй юмушларида қаришиб, богдига пишган меваларни териб беришарди. Едгора опа терилган мевалардан бир дунё туршак қуритиб олади. Аёзли киш қулларида эса қўни-қўшилларга туршак улашиб чиқарди... **Латифжон МАНСУРОВ.**

### Шундан кейин

#### КЕЧАГИНА ХАЁЛ ЭДИ

1803-1868 йиллар яшаб ўтган XIX аср рус адаби, файласуф ва жамоат арбоби Владимир Одоевский кўп нарсаларни олдиндан кўра билгандек таассурот қолдиради. Хусусан, унинг 1837 йилда ёзилган «4338-йил» номи тугалланмаган утопик романида ҳозирги замон болалари ва умуман Интернет тизимининг пайдо бўлиши башорат қилинган. Шу қулларда бизга ҳаёлот маҳсули бўлиб туялаётган яна қандай нарсалар авлодларимиз учун оддий воқелик бўлиб қоларкин?

#### СОХТА КАФОЛАТ



Электршоқ тўппончалари ишлаб чиқарувчи Taser компанияси ўз махсулотлари тавсифидан «ўлимга сабаб бўлмайди» деган сўзларни олиб ташлади. Америка ҳукуматининг маъжур ишлаб чиқарувчи сўзлари амалга тўғри келиш-келмаслигини текшириб қўриш ҳақидаги қарор ана шу ўзгаришга сабаб бўлди. Яна қанча махсулотлар ўз тавсифидиға сифатларга жавоб бермаслиги мумкин-а.

#### АСЛИ ЎРНИГА АНИҚ НУСХАСИ

Македониялик Александрнинг форслар билан Исса ёнидаги жангини тасвирлаган улкан мозаиканинг аниқ нусхаси Помпеядаги ўз жойига ўрнатилди. 5,84 га 3,17 метри асарнинг асл нусхаси миллий археологик музейда қоладиган бўлди. Мозаика юнон мусавиви Филоскин картинасиға муювифик римлик рассомлар томонидан яратилган. Тарих лаҳзаларини тиклаш учун инсон уришиларининг қўламага баъзан қойил қолмай илож йўқ.

#### МАЙМУНГА ҲАМ ОСОН ЭМАС



Хитойнинг Шэньси вилоятида жойлашган ҳайвонот боғи ходимлари қармоғларидиға шимпанзени чекишдан ҳалос қилишнинг урдасидан қилдилар. Бундан ўн олти йил муқаддам ҳазил билан чека бошлаган бу жонивор кейинчалик тамакисиз туролойдиган бўлиб қолди. Мутахассислар унинг чекишлари микдорини секин-аста қисқартириб боришди, ўрнига тўймилроқ озуқа ва турли кўнгулчар машгулотлар билан «сийлашди». Ҳа, иллатдан ҳалос бўлиш осон эмас...

### МАЪНАВИЙ ТАРБИЯЧИ

Янгийўл шахар халқ таълими бўлими услубчиси, 16-мактаб ўқитувчиси Татьяна Николаевна Черныаскаянинг камтарин меҳнати жамоатчилик томонидан кенг эътироф этилмоқда. У ўз ўқувчиларига чуқур билим бераётир. Мана ўттиз йилки, тахрибали устоз Пушкин ва Лермонтов, Толстой ва Достоевскийнинг буюк маданият мероси билан Янгийўл шахар болаларини таништириб келмоқда. У жамоат ишларида фаол. Тиниб-тинчимас педагог-ўқитувчилар жамоаларининг ижтимоий муаммоларини турли давлат ташкилотлари олдиға талабчанлик билан қўйиб, уларни ҳал этишда жонбозлик кўрсатмоқда. **К. ХОЖИМАТОВ.**

### УСТОЗ ТАШАББУСИ

Чиноз туманидаги 14-Чайковский номли болалар санъати мактаби директори Азиза Полвонованинг қишлоқ ёшларини мусиканинг сирли дунёсига олиб кириш, буюк композиторлар бой маданият меросини, замонавий, миллий ва эстрада қўи-қўшиқлари жозибасини ёш авлодга етказишда ҳиссаси катта бўлаётти. Унинг саъй-ҳаракатлари билан мусика дарслари ва машгулотлар юқори савияда ташкил этиляпти. Шунинг учун бу санъат мактабида кўпга ёш истеъдод эгалари кашф этилмоқда. Улар Муҳиддин Қориёқубов номли республика кўриктанловларида ўзбек халқ чолғу асбоблари бўлими бўйича ўқувчилар орасида фахрли ўринларни эгаллашди. А. Полвонова Ўзбекистон Халқ-демократик партияси туман кенгаши раисининг жамоатчилик асосидаги ўринбосари сифатида хотин-қизлар ва ёшлар орасида партиянинг янги дастуридиға ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини муҳофаза этиш гоиларини тарғиб қилишда фаол қатнашаётир. **Баҳодир ВАХОВОВ.**

### Сканворд

Scrabble word search grid with various words hidden in letters.

### Қилмиш-қидирмиш



Олчинбек кечаси билан турли режалар тузди. «Мўмай пул топининг энг яхши йўли — гийбандлик, воситаларини сотиш» деган фикр унга ҳеч тинчлик бермасди. — Кабир, қачонгача арзиман пул учун вақт кетказиб, ишлаб юраимиз. Кел, бир иш қилайлик, — деди оғайнисига. — Узим ҳам сенга ўхшаган ишончли дўст қидириб юривдим, жуда яхши бўлди-да, — деди тағдор қилиб Кабир. — Сен яхшиси секингина, имижида бир харидор топ. Кейин хурсанд бўласан. Олчинбекнинг мақсади ҳам шу эди аслида. У оғайнисига Кабирнинг бирданга бойиб, дангиллама уйли, қўш маши-

нали бўлганига аввал ҳайрон бўлиб, кейин ҳасад ўтида ёна бошлаган, аммо сир бой бермай, борди-келдини қанда қилмай юрган эди. Доимо ёнида ялтоқланиб, айланмиш юрган Олчинбекнинг хиралиги, сурбетиғи ёқмаса ҳам, пул дардида ҳеч нарсадан тоймайдиған ҳамтовоқ топганлиғидан Кабир ҳам қувонди. Хаёлан келадиган мўмай пул-

### ОРЗУГА АЙЛАНГАН БАХТ

ниҳоят, улар билан учрашадиган, юзма-юз бўладиган кун ҳам келди. У ишдаги ҳамқори билан 4700 АҚШ долларини олиб, келишилган жойга борди. Олчинбек билан Кабир ҳам ўзларича ишни пухта қилишди, «олди-сотди»нинг жойини ўзартиришди. — Уларнинг орқасида «думи» йўқми, ишқилиб, — сўради Кабир Олчинбекдан. — Йўқ, йўқ! Айтган жойимизга индамай боришяпти-ку, ахир. Уларнинг машинаси ҳам йўлда қолди... — Ишонма, ҳужжатини текшир. Ҳа, «ўғри»нинг номи ўғрида. Узини ўзи фош қилиб қўяди. Ногоҳон, харидорларнинг паспортидан уларнинг манзилини билиб олган Олчинбек хотини билан воқеа жойидан қочиб қолади. Ҳамтовоғи Кабир эса қўлидаги пулларни қўриб бир лаҳза осмонларга парвоз қилди, кейин ўзига келиб, шалдирок пуллари санай бошлади, санай бошлади-ю, ундаги бир хил рақамларни қўриб тузоққа тушганлигини пайқаб қолди. Миясида чарх ураётган минг хил ўй-фикр гирдобиди ган-

### Ҳовлига қикди

У харидорлардан биттасини бўлса ҳам гаров учун олиб қочмоқчи, ўзи эса яширинмоқчи эди. Лекин қоронғида атрофини ўраб турган ИИБ ходимлари, чироғи ёниб турган машиналарни қўриб, воқеани тушуниди. «Ҳаммаси тамом...» деди ўзига ўзи. Лекин ҳали ишининг туғашига бориб бор эди. Олчинбек ўзича, ҳаммани доғда қолдириб, Россияга қочиб қолди. У ерда ноконуний яшаб, одамларникида ишлаб юрди. Гўё ҳамма нарса унутулади-ю, кейинчалик уни интизор бўлиб қўтиб ўтирган тўрт фарзанди, хотини олди-ган бориб бемалол яшайверди. Йўқ, ундай бўлмади. Халқимизда «Бузоқнинг юғургани сомонхонага» деган гап бежиз айтилмаган. Жиноятга жазо муқаррар. Олчинбекни у ерлардан ҳам топиб келишди. Ҳозир у қилган ишларига пушаймон бўлиб, оиласи, болачақаси борлигини эътиборга олишларини илтимос қилиб, ҳар қанча ёлбормасин, қилимишига яраша жазосини олиши керак. Зеро, қилмиш-қидирмиш, деганлар. Эркинликда, тинчликда, меҳрибон оиласи бағрида яшаш унинг учун энди орзуға айланди. **Лутфулла ТУРСУНОВ, вилоят прокуратораси бўлим бошлиғининг ўринбосари. Сайёра РИХСИЕВА, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.**

Тошкент вилояти кутубхоналар ассоциацияси устав фаолияти тугатилганлигини эълон қилади. Барча эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида қабул қилинади. Тел.: 45-91-77, 45-13-54.

Об-ҳаво Гидрометеорология бош бошқармасининг хабар беришича, 5 октябрь кунин Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундиға 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 12-14, кундузи 28-30 даража иссиқ бўлади. Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундиға 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 10-15, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади. Республикаимизнинг тоғли туманларида ҳам ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундиға 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 6-11, кундузи 17-22 даража иссиқ бўлади.

Сайёҳлик касб-ҳунар коллежи томонидан 2004 йил 5 июлда Халқовика Каммила Батыржановна номига берилган 254168 рақамли диплом йўқолганлиғи сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

TOHKENT ҲАҚИҚАТИ Ташкент вилояти ҳокимлиги. Бош муҳаррир вазифиниси бажарувчи Убайдулла АБДУШОҲИДОВ. Шелефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54. Манзилими: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида тартибда саҳифаланди. Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиғи учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.